29.03.95

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 29 март. Чоршанба. № 25 (14277) ترکستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МУКОФОТ

Умумхалқ Референдумининг дастлабки якунлариёқ халқимизнинг буюк келажак сари Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар истиқболига қатъий ишончини яна бир карра намойиш этди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан бир гуруҳи 27 март куни Президент Ислом Каримов билан учрашиб, давлатимиз раҳбарининг ўтказилган бу муҳим сиёсий тадбирнинг дастлабки натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

— Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади,- деди Президент Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Бундай дақиқаларда инсон ўтган умрига, қилган ишларига яна бир карра назар солади. Умрини қандай кечираётганига, эзгу ишлари қай даражада амалга ошганига баҳо беради. Куни кеча ўтган Референдум мени инсон сифатида шундай ҳаяжонга солди. Кечган умримга, қилинган ишларга яна бир карра назар солишимга имкон яратди.

Ҳар бир йигит-қиз дунёга келгани, камолотга етгани учун ўз ота-онасидан миннатдор бўлиши табиий. Мен ҳам мустақил давлат — Ўзбекистон раҳбари сифатида шу қадар олижаноб халқ фарзанди эканимдан чексиз ифтихор туйдим. Шу муқаддас заминда туғилганим, шу халқ ақлзаковатидан куч олганим учун яратганга шукроналар, элимга раҳматлар айтаман.

Оллоҳдан тилагим — шу азиз халқимнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, унинг буюк ишончини оқлаш йўлида менга мадад берсин. Барчамизни шу тилакларни амалга ошириш борасидаги ишларимизда яратганнинг ўзи қўлласин.

Референдум чоғида билдирилган ишонч нафақат давлат раҳбарига, балки халқимизнинг кечирилган мураккаб кунлар ниҳоясида ёруғ келажакка, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаларига ишончи ҳам демакдир. Қўйилган мустаҳкам пойдеворда мустақил Ўзбекистон аталмиш муҳташам бинони яратишимизга, унда инсонларнинг бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашимизга ишончим комил.

Бундан буён ҳам жамиятимизнинг эҳтиёжманд қатламлари — болалар, талабалар, нафақахўрлар, ногиронлар давлат ҳимоясида бўлади. Биз шу сиёсатни давом эттирибгина қолмай, эҳтиёжманд оилаларнинг давлатдан оладиган нафақалари ҳажмини оширишни ҳам кўриб чиқмоқдамиз. Қилган ишларимиз ҳозир шунга имкониятлар яратмоқда.

Бор умримни халқим хизматига сарфлашга, она Ватанимиз равнақи йўлида бутун куч-ғайратимни бахшида этишга тайёрман. Сўзим сўнгида мени қўллаб овоз берган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдираман.

(ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов франциялик таниқли бизнесмен Эндрю Гелфи ва «Текнип» компаниясининг ижрочи директори Жорж Крамерни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, бунда француз ишбилармонлари муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Ўзбекистон учун муҳим стратегиявий аҳамиятга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш юзасидан «Текнип» компанияси билан ҳамкорлик яхши самара беришига умид билдирди.

Франциялик меҳмонлар самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли бу йирик лойиҳанинг тезроқ амалга ошиши учун ҳаракат қилажакларини айтдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

(ЎзА)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисида»ги 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, шу йил 26 мартда умумхалқ Референдуми бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи қўйилди.

Референдумда овоз беришда 11244724 нафар одам, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият кўпчилиги қатнашди. Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб чиқди.

Референдумнинг узил-кесил якунлари яқин кунлар ичида чиқарилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республиканинг минерал-хомашё базасини барпо этишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

АБУБАКИРОВ Меҳриддин Боғоуддинович — Тошкент гидрогеология экспедициясининг бош муҳандиси

РАСУЛОВ Жўра — «Тошкент геология» корхонаси комплекс геология-қидирув экспедициясининг геологи

ҲАМИДУЛЛАЕВ Назрулла Файзуллаевич — «Самарқандгеология» корхонаси зармитон геология-қидирув экспедициясининг етакчи геологи

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБДУҚОДИРОВ Мирпозил Мирпўлатович — «Ўзрангтош» экспедициясининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

ОТАҚУЛОВ Долижон Жамолдинович — «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасига қарашли Мирзачўл гидрогеология экспедициясининг пармаловчи устаси

ГОЛЬДШТЕЙН Роберт Ильич — «Қизилтепагеология» давлат геология корхонасининг комплекс геология-экология экспедицияси бошлиғи

ЗВЕРЕВ Юрий Николаевич — «Самарқандгеология» корхонасига қарашли Довғизтов геология-қидирув экспедициясининг бош геологи

МУСЛИМОВ Бахтиёр — «Қизилтепагеология» корхонасининг бош гидрогеолог ўринбосари

РАЗЗОҚОВ Турсин — «Химгеолнеруд» экспедициясининг Қорақалпоқ геология-қидирув партияси бошлиғи

ЭРГАШЕВ Шавкат — минерал ресурслар илмий-текшириш институти сектор мудири, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 28 март

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика олийгоҳи талабалари Саодат Жураева ва Шоҳиста Маҳмудовалар референдумда фаол иштирок этдилар.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

ЭКСПЕДИЦИЯ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Эрта тонгдан таҳририятлар жойлашган маҳобатли бино рўпарасида ноғорасурнай садолари янгради. Бу садолар кўча бўйлаб бораётган ўткинчиларни, хизматга ошиқаётган қалам аҳлини бир лаҳзага тўхташга, нима гап эканлигини сўрашга мажбур этди.

— «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий-экспедиция навбатдаги сафарга йўл олаётир...

Дарҳақиқат, кеча Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳузуридаги «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедиция 15 кунлик сафарга кузатиб қўйилди. Аввал хабар қилганимиздек, экспедиция Фарғона водийси вилоятларида, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг чегарадош вилоятлари шаҳар ва қишлоқлари орқали ўтади. Унинг таркибида қатор етук олимлар, тарихчилар, манбашунослар, тилшунослар ва журналистлар бор. Мақсад — Марказий Осиёнинг аҳоли энг зич жойлашган ушбу минтақасида соҳибқирон ва унинг аждодлари қолдирган меросни манбалар асосида чуқур ўрганиш.

Не қилайликки, сўнгги бир ярим аср-лик оқ ва қизил истибдод оқибатида халқимиз тарихини ҳар томонлама тадқиқ этиш имкони бўлмади. Бўлса ҳам «марказ»дан тушган қатъий кўрсатмалар, фармойишлар, тавсиялар доирасидагина ўрганишга рухсат берилди. Қафасдан қутилган қушнинг парвози баланд бўлади. Зеро, истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихга бўлган қизиқиш, қадриятларимизни тиклаш иштиёқи дилларимизни ҳаяжонга солгани, бутун шууримизни эгаллаб олганига ҳеч ажабланмаса ҳам бўлаверади.

Эзгу ишнинг қўллаб-қувватловчилари ҳам кўп бўлади. Экспедиция навбатдаги сафарга отланаётганини эшитибоқ, унга биринчилардан бўлиб «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳомийлик қилиш истагини билдирди. Сафар учун махсус юмшоқ ўриндиқли автобус ажратди. Боз устига сафар таассуротлари тўлақонли бўлсин учун видеотасвирчи Ғофир Маннопов экспедиция таркибига киритилди. Экспедицияни кузатиш учун бирлашма бош директорининг муовини Зокир Искандаров, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раиса Водовозовалардан иборат бирлашма вакиллари келдилар. Ҳайдовчилар Леонид Вревский ва Исмат Қўчқоров 15 кун мобайнида экспедиция қатнашчиларининг хизматида бўладилар.

— Биз келгуси йили буюк бобоколонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаймиз, — деди кузатув чоғида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Боймурод Юсупов. — Мазкур экспедиция ана шу йўналишда қилинажак улкан ишларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз. Биз энди-энди ўзлигимизни таниямиз. Бу таниш истиқболимизнинг энг ёруғ кунларига етаклаб боришига ишонаман.

Шундай қилиб, экспедиция йўлга чиқди. Ў ҳақда имкон қадар газетамизда хабар бериб борамиз. Таассуротлар ҳақида эса, кейин...

З. РИХСИЕВ.

Истиқлол одимлари

«ТАФТИНГ» МАШҲУР БЎЛМОҚДА

Олмалиқ шаҳрида шундай ҳиссадорлик жамияти мавжуд. У халқ истеъмоли моллари тайёрлайди. Кейинги пайтда бу жамият аъзоларининг маҳсулотлари дўконлар ва бозорлар пештахталарида кўпайди ва хилмахиллашди. Катталар ва болалар кузги ҳамда баҳорги кийим-кечаклари, гилам ва полослар, ишчилар учун махсус кийимлар, кўрпа тўшаклар...Хуллас 30 хилдан ортиқ номдаги буюмлар «Тафтинг» тамғаси билан чиқаётир.

ЎЗБЕК МАРМАРИ ТУРКИЯ ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИГА...

Мамлакатимизнинг Зарбанд, Ғозғон, Нурота мармар конлари илгаридан таниқли. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли «Бухоро-мармар» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бу мармарларнинг жаҳон андозасидаги турларини Туркия ва Саудия Арабистонига юборадиган бўлди. Ҳозирча мармар Ангрен шаҳридаги Италия-Ўзбекистон қўшма корхонасида жилоланади.

ЯНГИ УСУЛ

Муборак газни қайта ишлаш корхонасида насосларнинг ишлаш муддати узаядиган бўлди. Чунки насосларнинг устки қисмига металл кукуни қўшиб тобланиши туфайли шундай натижага эришилди. Бундан ташқари корхонада «совуқ пайванд» услубини ҳам ўзлаштириш мўлжалланяпти. Албатта, барча нарса мутахассисларга, уларнинг тадбиркорлик билан иш тутишига боғлиқдир.

Ўз мухбиримиз

Расмий ташриф арафасида

ДАВР ТАҚОЗО ЭТГАН ҲАМКОРЛИК

Молдова Республикаси Европа қитъасининг жануби-шарқидаги мамлакатдир. У илк бор замин харитасида 1924 йилда Украина таркибидаги мухтор республикаси сифатида қайд этилди. 1940 йилда эса собиқ иттифоқ таркибида Молдавия ССР ташкил қилинди. Совет ҳокимияти йилларида Молдавия асосан хомашё етиштирувчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи ўлкага айлантирилган эди. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг энг муҳим сектори бўлиб келди. 1990 йилда Молдавия собиқ иттифоқда етиштирилаётган узумнинг қарийб 18 фоизини, вино-ароқ маҳсулотларининг 16 фоизини, тамаки маҳсулотларининг 26 фоизини етказиб берар эди. Маккажўхори, қишки буғдой, қандлавлаги, мева етиштириш ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади.

М. Горбачевнинг ичкиликбозликка қарши кўр-кўрона кураш сиёсати оқибатида узумзорлар яксон қилинганига қарамай, Молдова минтақадаги вино етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб қолди.

1991 йилнинг 27 август куни Молдова халқининг миллий байрами ҳисобланади. Худди шу куни мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилган эди. Шу йилнинг 8 декабрь куни Мирча Снегур умумий овоз бериш йўли билан Молдова Республикасининг илк Президенти этиб сайланди.

Молдованинг олий қонун чиқарувчи органи 104 депутатдан иборат бир палатали парламентдир. Унда мамлакатдаги учта сиёсий куч вакиллари мавжуд. Парламентдаги асосий кўпчиликни Молдова аграр-демократик партияси вакиллари ташкил этади.

Бугунги кунда Молдова Республикасини жаҳоннинг 130 мамлакати мустақил давлат сифатида танили. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, Қора денгиз соҳили мамлакатлари ҳамжамияти аъзосидир.

Молдова истиқлолга эришгач, Ғарб давлатлари, хусусан Европа Иттифоқи ва АҚШ билан иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият бермоқда. Руминия, Германия, Хитой, Болгария ва Италия каби давлатларга экспорт маҳсулотларини кўпайтириш ҳукуматнинг истиқболдаги мақсадларидан биридир. Бироқ, айни замонда мамлакат собиқ иттифоқ ҳудудида ташкил топган давлатлар билан савдо-сотиқ қилишга мажбурдир. Зеро, экспортнинг 74 фоизи, мамлакатга олиб келинадиган маҳсулотларнинг 71 фоизи ана шу давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг қарийб барчасини ҳам Молдова шу мамлакатлардан олади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида азалий савдо алоқаларининг сусайиши, Днестрбўйидаги ҳарбий можаро ҳамда четдан келтирилаётган энергетика ресурслари нархининг кескин ошиб кетиши Молдова иқтисодиётини чуқур инқирозга рўпара қилди.

1991-1993 йилларда буларнинг оқибатида мамлакатда ялпи миллий маҳсулот ҳажми 50 фоизга қисқарди.

Жаҳон банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик Молдовадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг бир қадар тезлашувига сабаб бўлди. Ҳукумат иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг батафсил режасини қабул қилди. 1993 йил охирига келиб нон ва сут маҳсулотларидан ташқари, барча товарларнинг нархи эркинлаштирилди. Мамлакат ҳукумати иқтисодиётни назорат қилиш мақсадида тегишли тадбирлар белгиладди. Моддий заҳираларни самаралироқ ишлатиш, чет эл сармоясини кенг жалб этиш, соғлиқ тизими самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда кредитлар беришни аукцион орқали амалга ошириш борасидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

1993 йил ноябрь ойида миллий банк томонидан муомалага киритилган Молдова лейи қўрилган тадбирлар туфайли айни пайтда минтақадаги энг барқарор миллий валюталардан бирига айланмоқда. Мамлакат парламенти 1994 йилнинг 8 апрелида Молдованинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлишини ёқлаб фикр билдирди. Бу республиканинг азалий иқтисодий алоқаларни тиклашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Молдова МДҲ доирасидаги ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни инкор этсада, иқтисодий интеграция борасида алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётир.

1994 йил 23 августда Ўзбекистон ва Молдова ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Молдова айни пайтда МДҲ давлатлари орасида Россия Федерацияси, Украина, Беларус ва Ўзбекистон Республикасида ўз элчихоналарига эга.

Молдова Ўзбекистонга электроизоляция маҳсулотлари, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари ва деталлари, мебел, қоғоз, ип газлама, шакар, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Ўзбекистон эса бу мамлакатга мазут, техника мойи, қаттиқ металлар, кимёвий тола, кабел-ўтказгичлар, пахта толаси, қурилиқ материаллари, компрессорлар экспорт қилаётир.

Шуни таассуф билан қайд этиш керакки, иқтисодий алоқаларнинг сустлашиши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишига салбий таъсир этди. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон ва Молдова республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 16,3 миллион долларни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 миллион долларга тушиб қолди. Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги икки томонлама ҳамда МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши иқтисодий муносабатларда вужудга келган бу вазиятни ўнглашга имкон беради.

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 30-31 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Мирча Снегур таклифига биноан Молдова Республикасига расмий ташриф буюради. Бу ташриф Молдова ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихан шаклланган ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариши, икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий пойдеворини барпо этишда муҳим қадам бўлиши кутилмоқда. Умид қиламизки, бу ташриф халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди. Зеро, давр тақозо этаётган бу ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдордир.

Амирқул КАРИМ.
(ЎзА)

Ислоҳотлар йўлида

ИМКОНИЯТГА ИМКОН ТУҒИЛДИ

Мамлакатимизда ўтказилган муқобиллик асосидаги сайловлардан сўнг Ватанимиз Олий Мажлис депутатларининг илк сессиясида Президентимиз Ислом Каримов янги парламентнинг фаолиятига асос бўладиган қонунлар мажмуаси мавзуларини узининг нутқида батафсил баён этди. Айниқса, республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган саноатни, умумий ишлаб чиқаришнинг устивор йўналишларининг давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланишини таъминлаш натижасида ҳозиргача бир қадар ютуқларга эришилганлиги, бундан кейин, ана шу жараён янада такомиллаштирилиши бизнинг корхона аҳли томонидан хушнудлик билан қабул қилинди. Дарҳақиқат, корхонамиз 1994 йил 15 июлдан эътиборан «Тошмаргёр» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Президентимизнинг нутқларида, юртимизга хорижий сармояларнинг жалб этилганлиги ва уларга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилганлиги эътироф этилган. Бу шароитдан корхонамиз ҳам четда қолгани йўқ. Ҳозирча корхонамиз билан танишиб кетаётган Франция, Америка, Италия, Жанубий Корея, Япония мамлакатлари сармоядорларидан бизга маъқул тушган инвесторга қимматбаҳо қоғозларни сотамиз. Натижада маҳсулот билан таъминлаш, эҳтиёт қисмлари, ускуналар, жиҳозлар, бинолар қуриш ва узгартириш жаҳон талабларига жавоб берадиган даражага етиши мумкин.

«Тошмаргёр» мустақил иш юритадиган бўлгач, маҳсулот ишлаб чиқариш давлат режасини ошириб бажара бошлади. Масалан, ўтган йилда 596 тонна маргарин, 81 тонна қадоқланган ёг, 613 тонна саломас, 13 тонна майонез кўп ишлаб чиқаришга эришилди. Албатта бу ютуққа корхона раҳбариятининг тадбиркорлиги, ишга ижодий ёндашуви туфайли эришилди. Хусусан, корхона бош раҳбари Бахтиёр Қодиров Малайзияда бўлиб, бу ерда маҳсулот турини кўпайтиришда кўл келадиган 3 минг тонна пальма ёгини келтириш бўйича шартнома тузиб қайтди. Ўтган йилда шартномада кўрсатилган 3 минг тонна пальма ёги тўлиқ келтирилди. Бу йил ҳам пальма ёги келтириш учун Малайзия билан, ускуналар олиш борасида Италия билан, автоклав дастгоҳлари учун Америка билан ҳамкорлик қиламиз. Корхонада фақаттина ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билангина кифояланиб қолмай, балки ишчи-хизматчиларни, шу ердан нафақага чиққан фахрийларни ижтимоий муҳофазалаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Мисол учун январь ойидаги ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 1350 сўмга етди. Бундан ташқари оилавий ётоқхонадан фойдаланиш, боғчамизда болаларни тарбиялаш бепул амалга оширилади. 5 йилдан кўп ишлаганларга ойлик маошининг 1,5 фоизи миқдорида қўшимча пул, 13-ойлик берилади. Шунингдек, ўтган бир-икки йил ичида корхонада қўшимча тармоқлар, қуйма маргарин ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 500 га яқин қўшимча ишчи ўринлари очилди.

Албатта ҳозир «Давлат хом ашё ажратаётибди. Берса ишлайман, бермаса кутиб тураман» қабилидаги лоқайдлик иллати ортда қолди. Ҳозир ҳар биримизда тадбиркорлик, ишбилармонлик, қолаверса, жаҳон андозасидаги билимга эга бўлишлик талаб қилинади. Шунинг учун ишчиларнинг маънавий дам олишлари ҳам мунтазам ташкил қилинган. Масалан, тасаввуф оламининг султони Аҳмад Яссавий бобомиз дафн этилган кўҳна Туркистонга, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг юрти Бухорога ва бошқа муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 23-24 февралда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқларидан руҳланиб биз ҳали амалга оширажак жуда кўп тадбирларни белгиладик. Худо хоҳласа, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятимиз аъзолари нафақат мулкий ёки моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам кенг рағбат олишига ишонаман.

Мирзаҳусан ЗУФАР ўғли,
касаба уюшмаси раиси.

КОКА-КОЛА СОЯБОНЛАРИ

Фақат энг машҳур фирмаларгина инсон ҳайратини жунбушга келтира олади. Ер шарини бутунлай айланиб чиққан Кока-кола фирмаси Республикамизда бир йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлсада, Ўзбекистон ҳудудини тамом қамраб олишга аллақачон улгурди.

Куни кеча пойтахтимизнинг Анҳор чойхонасида «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД» Америка-Ўзбекистон қўшма корхонаси ўз тарихида биринчи марта Наврўз байрамини нишонлади. Чойхона майдонини Кока-кола рамзи туширилган ўнлаб соябонлар, алвон рангли дастурхонлар, кулдон, рюмкалар босиб кетди. Чойхона тўрида ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ёнида машҳур фирманинг қип-қизил байроғини учратиш мумкин эди.

Кока-кола дунё кезар экан, у ўзи билан бирга Дўстлик, Ҳамкорлик ва такрорланмас хуш таъм олиб юради.

К. ЎЛМАСОВ
суратлари

ТАДБИРЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг йигит-қизлар ўртасидаги таъсири ва обру-эътибори кун сайин ортиб бораётир. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Ёшлар Иттифоқи Китоб тумани қўмитасининг биринчи котиби Шавкат Норқобиловнинг ташаббуси билан ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ёшлар мавзусига оид учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Бундан мақсад йигит-қизларни ташкилотдаги янгилик ва ютуқлардан хабардор қилиб бориш ва уларни хайрли ишларга тортишдир.

(Ўз мухбиримиз)

Жаҳон ишбилармонлари тарихидан

«КСЕРОКС» ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

«Бозор иқтисодиёти» деган сўз лугатимизга кириб келди-ю, ҳаманинг тинчи бузилди, бу тинчи бузилиш асосан, ухлаган одамларнинг дабдурустдан уйғониб ён-атрофига аланглаб қарашдаги ҳолатига ўхшайди. Ростдан ҳам биз жуда кўп нарсани энди, Ватанимиз мустақил бўлгач, кўра бошладик. Масалан, ўриндан қўзғалиб кучага разм солсакми, дегандик... Вой-бў, «Мерседец-бенц», «Тойота», видеокамера, мебеллар, гиламлар, школдлар... ва ҳоказо... қаерники? Хорижий... Вой-бў, нима бало, хорижлиқлар ухламас эканми... бизни бунча лол этади. Биз ҳам лол қила оламиз. Мисол учун, сўзана, дўппи, кимхоб тўн, қўлда тўқилган гилам, бешик... Тўғрикуя, бу матоҳларни ота-боболаримиз кашф қилганлар, кашф қилганда ҳам шундай бетакрор қилишганки, жаҳон аҳлининг қизиқиши ҳали ҳам юксак. Бизчи, нима яратдик? Бу савол юракни тирнайди... Майли, аввал бундоқ, чет эл фирмаларининг келиб чиқиши, тарихи билан танишлайлик, зора ғоялар туғилса... Агар «Жаҳон ишбилармонлари тарихидан» рукнидаги мақолаларни тўлиқ ўқиб борсангиз бунинг шоҳиди бўласиз. Илк изланувимиз «Ксерокс» фирмасига бағишланади.

Хоҳ у соҳада, хоҳ бу соҳада, фарқи йўқ, нусхалар асқотади. Нусхани ҳам ҳадеб қўлда кўчираверсангиз... Нимадир қилиш керак? Ахир, ҳаётда узгаришлар рўй бермоқда, барча тармоқларда фан-техника ва ишлаб чиқариш ўсмоқда, фақаттина нусха кўчириш бўйича... Лекин, ҳамма нарсанинг ҳам охири бор, охири бўлганда ҳам оддийдан мураккабга интилган... Яъни, ўрнига нимадир кашф этиш лозим, вассалом, у ёғи эса бир гап бўлар. Ниҳоят, шундай бўлди, америкалик истеъдодли ихтирочи Честер Карлсон бундан роппа-роса эллик олти йил-у (56 йил) беш ой муқаддам, яъни 1938 йил 22 октябрда Астория шаҳрида илк ксеро нусхани яратди. Эътиборли томони шундаки, Честер Карлсон устоз кўрмаган шогирд, тўғрироғи барча ютуқларга фақаттина ўзи ўқиб-ўрганиб эришган. Афсуски, Честернинг ихтироси олти йил давомида АҚШдаги муҳандислик ва бошқарув ишларини механизациялаштириш, автоматлаштириш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик компанияда бирор қизиқиш уйғотмади, вақт эса... Тарихда ном қолдириш ҳам осон эмас, ҳаётнинг аччиғи-ю, ширинига чидашга, бунинг устига тинмай нина билан қудуқ қазишга тўғри келади. Честер ҳам «тарвузини қўлтиғидан тушириб» кетавермади, аксинча ҳомий ахтараверди. Қарангки, бугун дунёга машҳур «Ксерокс» машиналарини ишлаб чиқариш ғоятда қудратли 20 та компанияга насиб этмасдан, 1947 йилга келиб, оралиқ, Японияда «Фужи Ксерокс», Ҳиндистонда «Моди Ксерокс» фирмалари бунёд қилинди. «Ксерокс»нинг иш фаолияти қандайдир эришилган ютуқдан ғурурланиб, хотиржамликка берилиш билан эмас, аксинча тинмай изланиш билан йўғрилган, чунки буни «бозор» деб қўйибди. Агар жиндайгина «кўз» уйқуга кетдими, тамом, растани бошқа «деҳқон» эгаллаб қўяди. Ахир, жаҳонда «Ксерокс» каби нусха кўчириш ускуналари тайёрловчи 200 та фирма, яна муҳандислик ҳамда бошқарув ишларини механизациялаштириш, автоматлаштириш техникаси воситаларини ишлаб чиқарувчи юзлаб фирмалар бор. Хўш қандай қилиб «Ксерокс» рақобатга бардош бериб келмоқда? Ҳатто баъзи билгисинар (компьютер) турларини ҳам яратиб, бошқа соҳаларда ҳам тинмай «қалам тебратаётир». Ютуқлар сири нимада экан?

Хорижий матбуот материаллари асосида Тўлқин ЁРҚУЛОВ тайёрлаган.

(Давоми бор)

Хайрли тадбир

«ҚЎҲНА НАСАФ» БИРИНЧИ

Қашқа воҳасида ўзбек миллий эстрада санъатига бўлган эътибор йилдан йилга кучайиб бормоқда. Шу боисдан бўлса керак, вилоят туманларида миллий эстрада гуруҳлари сони кўпаймоқда. Улар узларининг ёқимли куй-қўшиқлари ва рақслари билан халқимизнинг кўнглини ром этишмоқда.

Қарши Давлат санъат билим юртида шаҳардаги ёш эстрада гуруҳларининг I-кўрик-танлови ўтказилди. Бу танловда 20 дан ортиқ ёш эстрада гуруҳларининг санъаткорлари иштирок этишди. Уч кунлик беллашувдан сўнг, танловга якун ясалди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра «Кўҳна Насаф» вокаль чолғу гуруҳи танлов ғолиби деб топилди. «Дўстлик» ва «Кеш» миллий эстрада гуруҳларининг санъаткорлари ҳам совринли ўринларга сазовор бўлишди. «Қашқадарё», «Нола» ва «Гулшан» эстрада гуруҳларининг ижрочилик соҳасидаги ютуқлари алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Кўрик-танлов ғолиблари Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қарши шаҳар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда 2000 сўмлик пул мукофоти билан тақдирландилар.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.

Жиззах вилоятида «Туркистон» кунлари
2. Дўстлик



Ҳожиакбар ШАЙХОВ: ЯХШИ ТИЛАКЛАР ИЖОБАТИ

Яратганга минг шукурлар бўлсинким, ҳаётимизда тотувлик, баҳамжиҳатлик устивор. Биз ана шу тинчликнинг қадрига етиш учун ҳукуматимиз раҳбарлари олиб бораётган одилона сиёсатни тўғри тушунмоғимиз лозим. Байрам баҳона бугун каттаю-кичикни тилида, дилида яхши тилак. Ҳамиша шундай тилаклар билан яшайлик. Яхши дуо, яхши тилаклар албатта ижобат бўлишини жаҳон олимлари бир неча бор илмий жиҳатдан асослаб беришган.



«БУ ШУНДАЙИН

УША КУНИ Зафарободда бошланган ёмғир бизни Дўстликка кузатиб борди. Куни билан очиқ далада бўлган ҳамроҳларимизнинг ҳаммалари шалаббо бўлиб кетишган. Лекин руҳлар кўтаринки, кайфиятлар баланд. Ҳеч ким усти-боши ҳўл бўлганидан, на совуқ қотганидан нолимайди. Автобусимизда уйин-кулги, аския авжига чиққан. Дам-бадам тоғ кўчгандек қарсиллаётган қаҳқаҳадан қулоқлар батанг. Ҳар галги сафарларимизда бўлганидек, бу гал ҳам аскияларда улоқ ва солимнинг эгалари нақд эди. Улар — Шерали Ҳожиев ва унинг «Мутти» гуруҳи аъзолари. Оғзингиздан бир гап чиқдими, тамом, бошингиз балога қолади. То икки қўлингизни кўтариб тавба дегунингизча, пайровга нишон бўласиз...

Хуллас, уйин-кулги билан Дўстликнинг чегарасига келиб қолганимизни ҳам билмай қолибмиз. Чегарада бизни туман ҳокими Абдуҳаким Ҳожимуродов бошчилигида қўлларида нон-туз ва гуллар билан туман фаоллари ҳамда ёшлари қарши олдилар. Қирқ кокили белига чирмашган, дўппи кийган қиз тутган нон-туздан тотинар эканмиз, Нормурод Нарзуллаевнинг сўзлари эътиборимизни узига тортди:

— Айланай, узбегимнинг бобомерос одатларидан, — деди шоиримиз. — Ҳеч кўрганингиз борми дунёда узбекдек бағри кенг, узбекдек меҳмондўст халқ борлигини? Ахир кутиб турганларнинг ҳаммалари ёмғирда ивиб кетишибди-ку. Кузларида эса қувонч ёлқинлари. Мана шундай танти, мард, юрагида ўти бор фарзандлари бўлган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди. Бундай юртнинг юксалишига ҳеч қандай сабаблар тўсиқ бўлолмайди. Мана бу ёшларга бир каранг, улар тошда гул ундиришга, темирдан ипак тўқишга, чўлдан ризқ-рўз яратишга қодирдир.

— Самимий сўзларингиз учун ташаккур, — дея суҳбатга аралашди туман ҳокими Абдуҳаким Ҳожимуродов. — Қадамларингизга ҳасанот. Ёмғир узимизники. У кўкнинг биз — деҳқонларга бўлган иноятидир. Бу — янги йилимиз тўқ ва тўкин келишидан далолат. Бу — халқнинг ризқ-рўзи. Бу — янги йилда барча соҳаларда режаларимиз уддаланишига ишора. Шунинг учун ҳам бу ёмғирдан ҳеч ким қочаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз сиз — азиз меҳмонларга пешвоз чиққандек, ёмғирга ҳам пешвоз чиқдик. Ўтган йили туманимиз айрим соҳаларда кўзланган чўққиларни забт этаолмаган бўлса, бу йил Худо хоҳласа ҳамма йўналишларда режаларимиз ошиғи билан уддаланади. Бизни туман марказидаги «Фарҳод» маданият саройида кутишаётганини айтишди. Яна йўлга тушдик. Йўлда бораётиб, Наврўз ҳақида қадимги битикларда айтилган сўзлар хаёлга келди.

«Агар Наврўз сешанба куни кирса, ул кун Мирриҳ (Марс)га тааллуқ бўлгай. У йил учузлуқ бўлмагай, ошлик (озиқ-овқат) кўп бўлгай...

У йил эрта эккан экин яхши бўлгай ва кичик фолиз мевалари оз бўлгай ва қор оз йағгай...»

Наврўз — йил боши арафасида, сумалак қорилаётганда қилинган барча яхши ниятлар амалга ошади, дейишади. Биз ҳам юртимизни тинчлик, тўкинлик, тўқчилик тарк этмасин деб ният қилдик.

Бизни маданият саройи олдида тумонот одам кутиб олди. Айтилган вақтдан анчагина кечикиб келганимизга қарамасдан, кутиб туришган экан. Туман ҳокимидан кейин сўз олган Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Боймурод Юсупов дўстликликларни янги йил — Наврўзи олам билан қутлади. Сўнг йиғилганлар «Туркистон» газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Ғаффор Ҳотамов, «Сирли олам» журнали ва «Қалб кўзи» газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Ҳожиакбар Шайховларнинг дил сўзларини тингладилар. Мушоирани эса шоир Йўлдош Эшбек бошлаб берди. Шеърга қўшиқ-рақслар уланди. Ҳаммамиз эрталаб соат бешда уйдан чиққанимизни-ю, ҳали дам олмаганимизни унутгдик. Гўё ҳеч ким чарчамаган эди.

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Узбек Давлат филармонияси «Зарафшон» ансамбли яккахон хонандаси Замира Номозова «Муножот»ни бошлаганда даврага бир сониялик жимлик тушди. Гўёки, бундан аввал шух яллалари билан барчани ўйнатган Дилбар Қосимовадан сўнг Замира ижро этаётган қўшиқ барчамизни хаёл уммонига ғарқ этди. Бизни хаёллар қаъридан яна Дилбар опа тортиб олди. У киши бошлаб берган «Муножот» рақсига мезбон қиз-жувонлар қўшилдилар.

УНИНГ ЎЗ ОВОЗИ БОР

Тингловчилар қалбини сел қилиш учун ҳақиқий ҳофизга кўп нарса керакмас: тор, доира нари борса битта гижжак ва... энг асосийси Худо берган овоз албатта. Ҳозир санъаткорман, қўшиқ айтаман дегувчилар бисёр. Улар куйлаётганда (шундай дейиш мумкин бўлса) ўн-ўн беш чолғучи овора. Аммо шунга яраша овоз ҳам бўлса-ку яхши. Йўқса, шунча меҳнатга ачинасан киши.

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Узбек Давлат филармониясининг «Зарафшон» ансамбли хонандаси Рустам Абдуллаев қўшиқларини ойнаи жаҳон, радио тўлқинлари орқали кўп тинглаганмиз. Муҳими, унинг ўзига хос ўктам овози борлигига амин бўлганмиз. Ҳар бир қўшиқда биз билмаган сир-синоат мавжуд. Баъзан кайфиятда жўшқин қўшиқ-қа, баъзан эса оғир оҳангларга мойиллик сезилади. Ҳар хонанданинг ўз мухлислари бўлишига ҳам шу сабаб бўлса ажаб эмас.

Жиззах вилоятида утажак байрамга отланаётган кезларимиз Рустам Абдуллаевдан бизга ҳамроҳлик қилишларини сўраган эдик. У киши бу таклифимизни

«Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир охир»

деган машҳур битикларни ўқиб, бажонидил қабул қилгандилар. «Дўстлик» туманидаги учрашувларимизда Рустам аканинг ширали товуши жон киргизиб юборган лаҳза бу ҳофизни таклиф қилиб хато қилмаганимизни тушундик. Ҳамма байрамларимизнинг ҳам бир «қаҳрамони» бўларди.

«Бу галгиси ҳеч шубҳасиз Рустам Абдуллаевдир», дейишди ижодий жамоамиз бир овоздан. Буни тантана иштирокчиларининг юзи-кўзидан ҳам ўқиб олиш мумкин эди.

Янгича анъаналар

«ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

париси бор», деган нақл бор доно халқимизда. Яна шундай бир гап ҳам борки, каттами, кичикми, халқ ҳикматларига суянган одам қоқилмайди. Уни шу халқ суяйди, шу халқ қўллайди.

Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлаётганимиз, Ўзбекистон темир йўллар бош бошқармасига қарашли Андижон темир йўл шоҳбекатлари умумий овқатланиш корхонаси директори Абдумуталлиб Шодибоев ҳам ҳамиша халқ ўгитларига амал қиладиган инсонлардан. У раҳбар бўлиб келгач корхонада жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўлди. Айниқса, йўловчи қариялар учун таҳоратхона ва номоз ўқиладиган жойлар қилингани оқсоқолларни хушнуд этди. Шунингдек, Абдумуталлиб ушбу корхонада ишлаб, нафақага чиққан фахрийларнинг доимий учрашувларини ташкил қилишда ҳам ҳамиша бошқош. Шундай учрашувлардан бирида иштирок этар эканмиз, директорни суҳбатга тортдик.

— Абдумуталлиб ака, бу ерга фахрийларни йиғиб, уларга ош тортишингиздан мақсадингиз нима?

— Эътибор қилинг-а, бу йиғинларни мен ўзимча «Авлодлар учрашуви», деб номлаганман. Биласизми, ана шу даврада корхонамизда 40-50 йиллаб ишлаган ажойиб инсонлар бор. Улар шу узоқ йиллар давомида халқнинг ҳақига хиёнат қилмаган, ҳалол ва покиза одамлардир. Бугун муассасамизда ишлаётганлар эса асосан ёшлар. Кўпчилиги катта ҳаёт остонасидан энди-энди ҳатламоқда. Уларни қайси томонга қайирсангиз, ўша тамонга эгилишади. Кўриб турганингиздек, улар фахрийларимизга хизмат қилиш баробарида, оқсоқолларимизнинг суҳбатларини ҳам олишмоқда. Бу суҳбатлар, олтиндан қиммат пандунасиҳатлар ёшларимиз учун қай даражада зарурлигини айтиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак. Асосий мақсадим, бугунги ёшлар ва оқсоқолларимиз ўртасида кўприк бўлиш, шу восита билан ёшларни ҳалолликка ўргатишдир.

— Бу тушунча замирида нималарни кўрасиз?

— Менимча, ҳалоллик мана бу, деб алоҳида кўрсатиб бўлмайдиган тушунча. Мен билган ва суянган ҳалоллик, инсондаги ички тозалик ва бировнинг ҳақидан қўрқишдир.

Абдумуталлиб ака билан суҳбатимиз узоқ чўзилди. Дарҳақиқат, ҳар бир қария, у қайси соҳада ишлаган бўлмасин, ўша соҳанинг тирик мактаби эмасми? Биз шу ўйда уруш ва меҳнат фахрийлари Фаррухжон Халилов, Акромжон Усмонов ва Абдушукур Мамадалиевлар билан гурунглашдик. Улар ҳам ўтказилаётган тадбир ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Элимизда айни кунларда тантана устига тантана. Мана, баҳор кириб келди. Деҳқон ғимирлаб қолди. Куни кеча Наврўзи оламни кутиб олдик. Ҳадемай, улуғ Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаймиз. Яна қанча каттакичик байрамларимиз бор. Ажабмас, «Авлодлар учрашуви» ҳам ана шундай доимий байрамларимиздан бирига айланса.

Баҳодир ШОИМОВ
Суратларда: учрашувдан лаҳзалар.

«ЎЗИМИЗНИ ТУТИБ ОЛГАНМИЗ»

Абдулла Ражабов номидаги Китоб халқ истеъмол моллари фабрикаси бошлиғи Юсуф Ғаффоров мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилди.

— Юсуф ака, аввало фабриканинг ўтмиши ҳақида гапириб берсангиз?

— Фабрикамиз 1930 йилдан бери мавжуд. Уни қуришга Йўлдош Охунбобоев шахсан уста жўнатган. Фабрика 1961 йилгача тармоқ шаклида эди. Кейин эса шойи тўқиш фабрикасига айлантирилди. Бизда юз фоиз қўл меҳнати. Ҳозир фабрикамиз учун қўшимча цехлар барпо этяпмиз.

— Неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади?

— Олача, сузана, кашта, шойи ва гилам.

Маҳсулотларимизнинг сифатига ниҳоятда эътибор беришимизниям айтай. Чунки, унинг ўтмай қолишидан ҳамёнимиз катта зиён кўради. Бу ерда 330 киши меҳнат қилади. Шулардан 80 фоизи ёш тўқувчилар. Ёшлар бор жойда ютуқ бўлади, ишда барака бўлади. Ҳар бир тўқувчи кунига 18-20 метрдан мато тўқишяпти.

— Ҳозирги кундаги ютуқлар ва муаммолар ҳақида...

— Ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни биринчи масала қилиб қўйганмиз. Овқат пули ташкил қилинган. Маҳсулотларимизни шартномага биноан Бухоро, Сурхондарё ва вилоятимиздаги барча туманларга етказиб бераяпмиз. Ўтган йилни жамоамиз етти юз тўққиз минг сўм соф фойда билан якунлади. Бу жуда яхши кўрсаткич. Яқинда фабрика қошида қўшимча зардўзлик цехи иш бошлайди.

Фабрикамизда қўл меҳнатидан воз кечмаётганлигимиз сабаби маҳсулотларимизда миллий руҳни сақлаб қолиш. Асосий мақсадимиз халқ амалий санъатини ривожлантириш.

Энди баъзи бир муаммолар устида тўхталсам. Юқорида қўшимча цех қуриш ҳақида гапиргандим. Шунга маблағ келтириш қийин бўлиб турибди. Матоларни буяшга кўк буёқлар йўқ ҳисоби. Аммо қараб ўтирганимиз йўқ. Имкон қидиряпмиз.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

КЎКРАККА ҚАДАЛГАН ЎҚ

- **Котиб қоғозга кўз югуртирди... Аммо...**
- **Қишлоққа қайтгач...**
- **Ўттиз икки набиранинг бобоси**

Туман комсомол қўмитасининг котиби Шакаров ҳозиргина хонасига кириб келган ҳарбий кийимдаги йигитнингҳужжатларини кўздан кечирар экан, комсомол билетига кўзи тушиши билан бирдан жиддий торди.

— Бу қанақаси?! Билетга ҳам шунақа муносабатда бўладими?!

Йигит худди оғир жиноят қилиб қўйгандек шошиб қолди. Нажот ахтаргандек атрофга ола-зарак термулди. Томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. Шу пайт нимадир эсига тушди, чўнтакларини ковлаб турт букланган қоғоз чиқарди ва котибга узатди.

Котиб қоғозга кўз югуртирар экан, юзига табассум ёйилди. Бу — ҳарбий қисм комсомол ташкилотидан берилган справка бўлиб, унда Алиқул Расуловнинг оғир жанглардан бирида кўрсатган жасорати ва кўкрагига теккан ўқ комсомол билетини ҳам тешиб ўтганлиги айтилган эди.

Шакаров йигитнинг қўлини дўстона қисди.

— Шуни аввалроқ айтмайсизми, оғайни раҳмат Сизга!

Бу воқеа Алиқул ака урушдан қайтган 1946 йилда бўлиб ўтган эди.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани Катта Чиёнли қишлоғида вояга етган, ўзининг серғайратлиги, довюраклиги билан тенгқурларидан ажралиб турадиган Алиқул Расулов айни уруш қизғин бораётган 1944 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Пенза шаҳрида қисқа муддатли жанговар тайёргарликни ўтагач, Литвани озод қилиш учун шошилаётган ҳаракатдаги қўшинлар сафига қўшилди.

Каунас шаҳрини озод қилиш олдидан окопда қисм комсомол қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бир қатор ёш жангчилар қатори 18 ёшли Алиқул Расулов ҳам комсомол сафига қабул қилинди. Алиқул ака комсомол билетини олган ўша 1945 йилнинг ҳаяжонли 19 мартини ҳеч қачон унутмайди, у кунни ботбот эслайди.

Орадан кунлар ўтиб, шаҳарни озод қилиш учун шиддатли жанглар бошланди. Тобора мағлубияти аниқлигига ишонч ҳосил қилиб бораётган гитлерчилар алам талвасасида қўшинларимиз зарбасига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар эди. Алиқул Расулов ана шу қирғин-барот жангларда иштирок этди. У доимо сафнинг олдинги қаторларида борар, ўзининг довюраклиги билан сафдошлари ва қисм командирларининг назарига тушиб улгурган эди.

Каунас шаҳрида ўтаётган ана шундай кунларнинг бирида жангчиларимиз «Ура» садолари остида ҳужумга кўтарилдилар. Алиқул ҳар галгидек олдингилар қаторида борарди. Бирдан унинг яқинда немис гранатаси портлади. Алиқул Расуловнинг чап кўкрагига келиб теккан граната парчаси унинг комсомол билетини тешиб ўтган эди...

Расуловни дала госпиталига жўнатишди. Орадан кўп ўтмай у соғайиб яна қуролдош дўстлари сафига қайтди.

Алиқул Расулов Брест, Вильнюс, Кинезберг шаҳарларидаги оғир, ҳал қилувчи жангларда иштирок этди. Берлингача бориб, немис босқинчиларини бутунлай тор-мор қилишда олдинги сафларда турди. У ўзи орзиқиб кутган Ғалаба нашидасини суриш шарафига муяссар бўлди.

Уруш тугади. Ғолиблар қатори Алиқул ака ҳам ёруғ юз билан жонажон қишлоғига, тинч меҳнат қучоғига қайтди. 50 йилга яқин халқ хўжалигининг турли жабҳаларида масъул вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилди.

— Мени комсомол билетим ўлимдан сақлаб қолган, — дейди Алиқул ака фахр билан.

Алиқул ака 70 ёшни қоралаб қолган бўлишига қарамай ҳали анча бардам. У ҳануз тиниб-тинчимайди. Уйда фарзандларига меҳрибон ота, маҳаллада, кўча-кўйда барчага самимий дўст, ажойиб маслаҳатгўй.

Алиқул ака 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказди. 32 набиранинг бобоси. Фарзандларининг деярли барчаси ўқимишли. Улар ҳам оталари каби халқ хўжалигинингг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Алиқул ака тез-тез Ёшлар Иттифоқи вилоят, туман қўмиталарига ташриф буюриб туради. Ёшларимизнинг ҳозирги ҳаёти, юриш-туриши уни ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Алиқул Расуловни урушда ва урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида кўрсатган жасоратлари, беминнат меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1-даражали Ватан уруши ордени ва ўнлаб жанговар медаллар соҳиби. Республикамиз Президенти И. Каримовнинг 1994 йил 6 майдаги фармони билан Алиқул Расулов республикамизда биринчилар қатори «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Ҳа, биз ёшлар Алиқул ака каби юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, улардан ибрат олсак арзийди.

Ҳошимжон ДЎЛМОНОВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси мафкура бўлимининг мудири.

Газета саҳифаланаётганда:

СОХТА ДОЛЛАР

Узбекистон Республикаси Марказий банки Узбекистон Республикаси ҳудудида сохта Америка банкнотлари кўпайиб бораётганини ташвиш билан маълум қилади. Бу қалбаки пуллар одатда ниҳоятда юксак техник даражада тайёрланган 100 долларлик купюралардан иборат.

Россиянинг «Молиявий ахборот агентлиги» хабар қилишига кўра АҚШнинг Федерал заҳира тизими 1996 йили янги намунадаги банкнотни муомалага чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига нақд долларлар, шу жумладан сохта 100 долларлик купюралар катта миқдорда кириб келиши хавфи бор.

Ушбу агентликнинг маълумотларига қараганда қалбаки пул ясовчилар нусха кўчирувчи энг замонавий қурилмалардан фойдаланган ҳамда АҚШ пул билетлари ҳимоясининг ўзига хос барча шаклларини айнан такрорлаган ҳолда сохта 100 долларлик купюралар ҳақиқийсига ниҳоятда ўхшаш бўлишига эришмоқдалар. Ҳозирги вақтда АҚШ долларлари банкнотларининг ҳақиқийлигини замонавий техника билан қуролланган тажрибали мутахассисларгина аниқлай олиши мумкин.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- **Аёл бешикни тебратар**
- **Қадриятнинг бир бўлаги**

АЖИБ ДИЁРДИР...»

Ниҳоят дам олиш фурсати келди. Биз қунган туман марказидаги янги меҳмонхона ва янги типдаги овқатланиш муассасаси Бойқул Қўшназаровга тегишли экан. Бойқул ака буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан яна 50 ўринлик меҳмонхона мажмуини ишга туширмоқчи экан. Ишбилармон ўзига туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар тамонидан кўрсатилаётган ёрдамлардан рози. Биз ҳам туманда амалга оширилаётган ижобий ишлардан қувондик. Наврўз арафасида туманда Фахрийлар боғи ташкил этилибди. Шунингдек, байрам кунлари «Дўстлик» кичик корхонасида 1 миллион дона банка ёпадиган консерва цехи ишга туширилибди. Булар ҳаммаси юксалишнинг нишонаси. Зеро, қаердаки тараққиётга ҳаракат бор экан, у жойда албатта ишлар олдинга силжийди. Бу тарихнинг исбот талаб қилмайдиган ва инкор этиб бўлмас ҳақиқатидир.

Эрталаб бизни шундай меҳмонхона яқинида жойлашган туман Марказий боғида чалинаётган карнай-сурнайлар овози уйғотди. Бу катта тўйга чорлов эди. Бу янги йил кириб келганидан нишона эди.

Марказий боғ дарвозаси ёнида бизни туман ҳокими қўмитаси раиси Қамбарали Ҳамидовлар билан ҳамсуҳбат бўлдик.

— Ўтган йили баъзи соҳаларда кўзланган маррага етолмаган эдик, — деди директор. — Бу йилги экин— тикин ишларига шунга яраша тайёргарлик кўрдик. Кузда 1900 гектар суғориладиган ерга буғдой эккан эдик. Ҳаммаси бир текис ниш олди. Биргалашиб боғ айландик. Йўқ, шу ерда озгина янглишдик. Боғ эмас, катта тўйхона эди у. Худди достонларда айтилганидек боғнинг ҳар бурчида катта қозонлар осилган. Уларда сумалакдан тортиб ҳалимгача, угра ошдан тортиб паловгача бўлган барча нозу неъматлар мўҳайё эди. Бу ерда ҳам ҳар бир хўжалик, идора-ю ташкилот ўз меҳнаткашларига дастурхон ёзган. Дастурхонларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Тўйхона эрталабдан гавжум. Шоирона айтганда, игна ташласангиз ерга тушмайди. Яна шоиримиз айтмоқчи: *«Бу шундайин ажиб диёрдир. Бу ўлкада ҳар нарса бордир...»*

Биз даврадан-даврага ўтар эканмиз, «Дўстлик» ижара ширкатлар бирлашмаси директори Суннатилла Эргашев ва хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Ҳамдамжон Ҳамидов ва бошқалар ҳамсуҳбат бўлдик.

— Ўтган йили ишларимиз ёмон бўлмаганлигини ўзингиз кўрдингиз. Ҳосилимиз ҳам, даромадимиз ҳам ёмон бўлмади. Ҳисоб-китобларимизга кўра, хирмон кўтарганимиздан кейин хўжалигимиз аъзоларининг ун маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондирамиз. Шу кеча кундузда 3200 гектар майдонни пахта экишга тайёрлаб қўйдик. Экиш техникалари ҳам шай. Насиб бўлса, бу йил юзимиз ерга қарамайди.

Суннатилла аканинг ниятлари ижобат бўлишига тилакдош бўлиб даврадан-даврага ўтдик. Шундай яхши кунларга не етсин. Ҳамма жойда уйинкулгу, хурсандчилик. Ҳеч ким ҳеч кимдан хафа эмас. Ҳамма бир-бирига меҳрибон. Навоий бобомиз бекорга «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» деб дуо қилмаганлар.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Саркисов номли ширкатлар бирлашмаси директори Муҳаммадқул Абдурасулов бўлди. У киши бизни қўярда қўймай дастурхонга ўтказдилар. Бир пиёла чой устидаги суҳбатимиз шундай кечди:

— Худо хоҳласа бу йил деҳқоннинг йили келди, — дейди Муҳаммадқул ака. — Хирмонларимиз сарбаланд бўлиши учун ҳамма нарсани қилдик. Ҳисоб-китобларимизга кўра, хирмон кўтарганимиздан кейин хўжалигимиз аъзоларининг ун маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондирамиз. Шу кеча кундузда 3200 гектар майдонни пахта экишга тайёрлаб қўйдик. Экиш техникалари ҳам шай. Насиб бўлса, бу йил юзимиз ерга қарамайди.

Суннатилла аканинг ниятлари ижобат бўлишига тилакдош бўлиб даврадан-даврага ўтдик. Шундай яхши кунларга не етсин. Ҳамма жойда уйинкулгу, хурсандчилик. Ҳеч ким ҳеч кимдан хафа эмас. Ҳамма бир-бирига меҳрибон. Навоий бобомиз бекорга «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» деб дуо қилмаганлар.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Саркисов номли ширкатлар бирлашмаси директори Муҳаммадқул Абдурасулов бўлди. У киши бизни қўярда қўймай дастурхонга ўтказдилар. Бир пиёла чой устидаги суҳбатимиз шундай кечди:

— Худо хоҳласа бу йил деҳқоннинг йили келди, — дейди Муҳаммадқул ака. — Хирмонларимиз сарбаланд бўлиши аниқ. Ҳозир сизларга ҳеч нарса айтмайман. Яхшиси, ғалвир сувдан кўтариладиган пайтда бир келинглар. Ҳаммасига ўз кўзларингиз билан гувоҳ бўласизлар. Ана унда ёзсангизлар ярашади.

Биз Саркисовчиларга кузда таклиф қилишса, албатта келишимизни айтиб хайрлашдик. Уларнинг хирмонлари улуғ, юзлари ёруғ бўлишига тилакдош бўлдик.

Тўйхона ўртасидаги катта саҳнада барча туман фаоллари, оқсоқоллар йиғилишди. Туман ҳокими тадбир иштирокчиларини Наврўзи олам билан қутлаб, вилоят ҳокими муовини Ширин Чилғашевга сўз берди.

— Азиз Дўстликликлар! — деб бошлади сўзини Ширин ака. — Бугунги янги кунингиз, янги йилингиз, Наврўзи оламингиз муборак бўлсин. Йилнинг бошланишини жуда катта тантаналар билан бошлаяпмиз, якунига ҳам худди шундай тантаналар билан етайлик.

Яхши ният яхшида. Яна шундай фарахбахш кунда. Биз ҳам у кишининг ниятларига ич-ичимиздан қўшилдик.

Саҳнада яна мушоира бошланди. Куй-қўшиққа, қўшиқ рақсга уланди. Миразиз Аъзамнинг шеърларидан болалар хурсанд бўлишган бўлса, Абдулла Турдиевнинг Шароф Рашидов хотирасига бағишланган шеъри узоқ олқишларга сазовор бўлди. «Мутти»чилар ҳам озмунча қарсак олишмади. Лекин бу даврада улоқ «Зарафшон» ансамбли яккахон хонандаси Рустам Абдуллаевда кетди. Давра иштирокчилари унинг санъатига тасаннолар ўқишди.

Сафаримиз қариётган эди. Шунинг учун Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби Алишер Ҳайдаров билан Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котибаси Ҳадича Жабборовани қидириб топдик. Ҳадичадан ўтказилган тадбирга ёрдам берган, уни қўллаб-қувватлаганларни сўрадик.

— Аввало ҳокимимизга раҳмат. У киши ёшларни тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган инсон. Ҳалигача бирор таклиф билан кирганимизда йўқ демаган. Ҳокимимизнинг рухсатидан сўнг у кишининг муовини Турғун ака Иброҳимов ҳам биз билан баб-баравар елиб-югурдилар. Меҳмонларни кутиб олишдан тортиб, то сўнгги дақиқагача биз билан бирга. Шунингдек, Дўстлик дон маҳсулотлари комбинати директори Саидилҳом Саидраҳмоновга ҳам Ёшлар Иттифоқи номидан миннатдорчилик билдиришни истар эдим. Ёнимдаги қиз Дўстлик тиббиёт билим юрти Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котибаси Насиба Бойманова бўлади. Насиба ҳам тадбирлар бошланишидан то ҳозиргача ёнимиздан бир қадам жилгани йўқ.

Ҳали Ҳадича билан суҳбатимиз тугамасдан Нарзи домланинг ҳайқириғи эшилитиб қолди. «Қани отларга!» Ҳамроҳларимиз бизни кутиб қолишибди! Дўстликлар билан яна байрамларда, яхши кунларда кўришишни ният қилиб хайрлашдик. Лекин бу ажиб диёрдан ажиб ва серзавқ учрашувлар, қувончли лаҳзалар ҳам биз билан Тошкентга йўл олди. Ана шу фарахбахш лаҳзаларни Сизга ҳам илиндик, азиз муштарий!

Ислом ҲАМРО,
Сирожиддин РАУФ,
Муҳаммад АМИН,
(суратлар),
«Туркистон» мухбирлари.

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЯНГИ КУН ШУКУҲИ

... Ҳали юртимизни Наврўз шодиёналари, қалбларимизни эса унинг қувончлари тарк этгани йўқ. Биз, бир гуруҳ ижодкор ва санъаткорлар қўшалоқ байрам «Туркистон» газетаси кунлари ва Наврўз тантаналарини Жиззах вилоятининг бир қатор туман меҳнаткашлари ҳузурида ўтказиб, шу нарсага амин бўлдикки, қадриятларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз ва шарқона айёмларимиз борган сайин устиворлик касб этиб бормоқда. Бундан чексиз қувондик. Чинданам ҳар қадамда баҳорий туйғулар сизни ошно этади, давралар оғушига чорлайди. Одамлар ғоят дилкаш, самимий. Кайфияти баланд. Улар бир-бирларини улуғ айём — Наврўз билан муборакбод этишади: «Айёмингиз қутлуғ бўлсин!»

Йўлдош ЭШБЕК:

ЭЗГУЛИК АЛОМАТЛАРИ

Анчадан бери бир ҳақиқатни илғаб, кузатиб келаяпман. Бу истиқлол шарофати боис халқимиздаги ўзликни танишга бўлган иштиёқ, маънавий юксакликка интилиш аломатларидир. Ҳар қадамда буларнинг шоҳиди бўлишимиз мумкин. Бир ўйлаб кўрайлик. Кейинги тўрт-беш йил ичида қанчалаб қувончли воқеаларни бошдан кечирмадик. Тилимиз Давлат мақомига эга бўлди. Бош Қомусимиз - Конституциямизда дин эркинлиги кафолатланди, кўп йиллар мобайнида қораланиб келинган беназир аждодларимизни таниш бошладик. Бирлашган Миллатлар ташкилоти биносида бизнинг мустақил Ватанимиз байроғи ҳилпирамоқда. Санайверсак, бу эзгуликларни адоғи йўқ. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёни — дунё бизни таниш бошлади.

Миразиз АЪЗАМ:

ХАЛҚИМИЗ БАХТЛИ БЎЛАЖАК

«Дўстлик» тумани исм-жисмига муносиблигини яна бир карра ҳис қилдим. Наврўз ва «Туркистон» байрами кунларида истироҳат боғига йиғилган халқ - ўзбеклар, тожиклар, татарлар, қозоқлар, корейслар бир тан бир жон бўлиб яйраётганликларидан қувонмай бўладими? Биринчидан, ҳаммасининг кайфияти баланд, жўшқин ва димоғи чоғ эди. Иккинчидан, дастурхонлари тўкин эди. Учинчидан, халқимизнинг шу қадар истеъдодларга бойлиги кўриниб турарди. Ҳар 10-15 қадамда бир саҳна ва ҳар бир саҳнанинг ўз хушовоз хонандаси, қизиқчиси, ўйинчиси бор эди. Бозори эса Тошкентнинг Отчопар бозоридан фарқсиз: бой ва ранг-баранг. Иншооллоҳ, халқимиз бахтли бўлажак.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

28 март куни мамлакатимизнинг 8 стадионида футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси IV миллий чемпионатининг олий лига командалари мусобақаси байроқлари тантанали вазиятда кўтарилди. Яна миллионлаб «чарм тўп» мухлислари ўзлари севиб ардоқлайдиган ўйинни томоша қилиш учун стадионлар томон ошиқдилар. Бугун биринчи лиганинг 20 командаси мамлакат кубогининг дастлабки ўйинларида иштирок этиш учун майдонларга тушадилар.

Биринчи лига вакилларининг биринчилик учун учрашувлари эса 2 апрель куни бошланади, катта футбол маълум танаффуслардан сўнг Булунғур, Шаҳрихон, Шўрчи, Шаҳрисабз, Қибрай шаҳарларига яна кириб боради.

Республикамиздаги энг эътиборли мусобақалардан бири «Пахтакор-79» хотира турниридир. Гуруҳлардаги учрашувларда қирқдан ортиқ командалар иштирок этиб, уларда «Навбаҳор», «Нурафшон», «Сўғдиёна», «Мебелчи» жамоалари ярим финалга чиққанидан хабарингиз бор. Энг омадли икки команда аъзолари 11 август куни Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани марказида, Сирожиддин Бозоров туғилиб ўсган юртда финал ўйинида ғолибни аниқлаб олиш учун тўп сурадилар.

Узбекистон Республикаси футбол федерациясининг 1994 йилги фаолияти ва 1995 йил мавсумида унинг олдида турган вазифалар тўғрисидаги қарорида қайд этилган қуйидаги сатрлар киши диққатини узига тортади:

«Оммавий футбол булимига ҳамда Тошкент шаҳар футбол федерациясига маҳалла қўмиталари билан биргаликда футбол фахрийлари ва ишқибозлари орасидан жамоатчи-йўриқчи сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва 1995 йил давомида Тошкент шаҳри маҳаллаларининг болалар ва ўсмирлар командалари ўртасида оммавий мусобақалар ўтказиш тонширилсин».

Юқорида баён этилган қарорни амалга ошира бориб Тошкент шаҳрида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда (Халқ таълими ва маданият ишлари бош бошқармалари, Узбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар булими, Ёшлар Итифоқи) Чилонзор, Собир Рахимов, Миробод, Шайхонтаҳур, Яккасарой ва Сирғали туманларида футбол клублари, БУСМларда футбол булимлари ҳамда ихтисослашган 11 синф ўз фаолиятини бошлади.

Бундан ташқари, бу йилги футбол календарларида яна қатор янги учрашувлар режалаштирилган: «Навруз» байрами, узбек футболининг кашшоф устаси Лазиз Мақсудов хотира турнири, «Мустақиллик» кубоги шулар жумласидандир. Маълумки, шаҳарда 1992 йилдан бошлаб республикамизда биринчи булиб, маҳаллалар қўмиталари спартакиадалари ўтказиб келинмоқда. Шу уринда мазкур спартакиадалар дастурида футболга ҳам алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш жоиз.

Утган мавсумдаги учрашувлар якунлангач, куплаб мутахассислар ва мухлислар республика чемионатида олий лига таркибини ўзгартирмасликни, шу билан биргаликда биринчи лигани кенгайтириб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри командалари албатта булиши масаласини ўртага ташладилар. Ушбу таклиф атрофлича урганиб чиқилди, кўпчиликнинг фикри муҳокама қилинди ва ниҳоят барча бир фикрга келгач, бу йилги мусобақаларда олий лигада 16, биринчи лигада эса 26 команда иштирок этадиган булди. Биринчи лига гуруҳларида икки давра ўйинлари якунлангач, 1-6 ўринлар яна бир гуруҳга йиғилиб, олий лигага бериладиган ўлланма учун кураш олиб борса, қолган командалар ҳам янги гуруҳга тўпланиб курашни давом эттирадилар.

Биринчи лиганинг кенгайтирилиши муносабати билан утган йилги натижаларга кура ундан тушиб кетиши лозим булган Қаршининг «Насаф», Урганчнинг «Динамо» ва Жиззахнинг «Йигирувчи» командалари яна лигада қолдирилди. Энди ушбу командалар раҳбарлари аввалги мавсумдаги камчиликларни такрорламасалар яхши буларди. Иккинчи лига бахсларининг голиблари — Наманганнинг «Навруз», Тошкент вилоятининг «Маданият» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Чилонзор» жамоалари биринчи мавсумдаёқ ўзларини курсатиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

БУНДАН БУЁН ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Узбекистон Футбол федерацияси ижроқуми қарорига биноан бу йилги мусобақалардан бошлаб голиб чиққан команда, аввалгидек, икки очкога эмас, балки уч очкого эга булади. Бу мусобақаларнинг янада қизиқарлироқ ўтишини таъминлайди, деган умиддамиз. Дуранг учун эса бир очко берилади.

Шу кунгача мамлакат кубоги учун учрашувларда мабодо асосий вақтда голиб аниқланмаса, 30 минут қўшимча вақт ажратилар, агар унда ҳам голибни аниқлашнинг имкони булмаса, иккала команда вакиллари 11 метрли белгидан тўп тепиш борасида баҳс юритардилар. Бунда кўпинчалик битта тасодиф барча нарсани ҳал қилар, бу эса уз навбатида кўпчиликни қаноатлантирмас эди. Юқорида баён этилган англашилмовчиликлардан қутилиш мақсадида кубок ўйинларига ҳам янгилик киритилди. Энди қўшимча вақт мобайнида ким биринчи булиб тўп кирита олса, ўйин ўша вақтнинг ўзидаёқ тўхтатилиб, ўша тўп киритиш бахтига сазовор булган команда голиб деб эълон қилинади.

Мавсумнинг барча учрашувлари якунлангач, Узбекистоннинг янги чемпиони билан мамлакат кубогига сазовор булган команда ўртасида мутлоқ голибни аниқлаш учун Суперкубок учрашуви булади. Ўйин 12 ноябрь куни ўтказилади.

Маълумки, бу йил Фарғона (илгариги Скобелов) шаҳрининг «Футболчилар ташкилоти» Туркистон улкасининг биринчи чемпиони булганларига 80 йил тулади. Шу байрам муносабати билан 21-27 август кунлари Фарғона вилоятида «Узбек футболи ҳафталиги» ўтказилади, ҳозирги кунда ҳафталикни юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ҒАЛАБАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Утган спорт мавсуми Узбекистон мухлислари қалбида узоқ вақт сақланадиган дақиқаларга бой булди. Марказий Осиё давлатлари миллий терма командалари ўртасида Халқаро «Тошкент-94» турнири, 19 ёшгача булган футболчиларнинг Осиё 29-чемпионати саралаш мусобақалари, Голландиянинг профессионал командалари иштирокидаги «Узбекистон мустақиллиги» кубоги ҳамда Фарғонада булиб ўтган Осиё клублари 14-чемпионати каби йирик бахсларини ўтказиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Республикамиз футболчилари ўзига хос катта халқаро учрашувларда ўз маҳоратларини кўз-кўз қила олдилар. Миллий терма командамиз аъзолари Японияда Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари чемпионлари булиб қайтишди, булиб ўтган етти учрашувнинг барчаси республикамиз футболчиларининг ғалабалари билан якунланди. Фарғонанинг «Нефтчи» командаси футболчилари Осиё клублари 14-чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирландилар.

Лекин, бу билан ўлкамиз футболида барча ишлар кўнгилдагидек экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак. «Пахтакор»нинг Осиё мамлакатлари кубок эгалари бахсларидаги муваффақиятсиз иштироки, 19 ёшгача булган футболчиларимизнинг Тошкентда ягона ўлланмани бой беришлари, ўсмирлар терма командамизнинг Катар мамлакати стадонларидаги йирик мағлубияти бизга бир зум ҳам тинчлик бермаётир. Узбек футболини Осиё қитъаси тан олган экан, бундан буён мезон фақаттина халқаро ўлчовлар билан таққосланиши лозим.

«НЕФТЧИ» ВА БОШҚАЛАР

Фарғонанинг «Нефтчи» командаси ҳозирги кунда Узбекистоннинг ҳар томонлама энг кучли жамоасидир. Уч марта республика чемпионатида голиб чиқиш, мамлакат биллур совринини қўлга киритиш, Осиё давлатлари чемпионатлари баҳслашувларида бронза медалларига эга булиш, куплаб ўйинчиларнинг республикамиз турли терма командаларига таклиф этилиши фикримизнинг далилидир.

Бу йил «Нефтчи»дан бир неча истеъдодли ўйинчилар (А. Тихонов, А. Микляев, Э. Момотов, Р. Бозоров)нинг кетиб қолишига қарамасдан команда ўз олдига яна олтин медаллар шодасини қўлга киритишни асосий мақсад қилиб қўйган.

Утган йили «Нурафшон» футболчиларининг кумуш медалларга сазовор булиши баъзи мухлислар учун тасодиф булиб куринди. Бухо-роликлар эса иккинчи урин улар учун тасодиф эмаслигини исботлаш учун бу йил камарни яна ҳам қаттиқроқ боғлаб ишга киришмоқдалар.

Утган йили «Навбаҳор» эгаллаган учинчи урин кўпчиликни қувонтирган булса ҳам, вилоят федерацияси ҳамда команда раҳбариятини асло қаноатлантирмади. Улар «биз ҳам чемпион була оламиз» маъносида юксак марраларни кузламоқдалар. Машҳур мураббийлардан Б. Абдураимов яна бош тренер этиб тайинланди, бир неча моҳир ўйинчилар команда таркибига келиб қўшилди. Орзуга айб йўқ. Чемпионликни мўлжаллаган командалар қанча кўп булса, шунча яхши.

Ҳар ҳолда, бизнинг фикримизча, ўтган мавсум мусобақаларида булгани каби бу йил маълум бир команда чемпионат бошлариданоқ бошқалардан узиб олдинга чиқиб, якка пешқадам була олмаса керак. Голиблик учун юқорида биз номларини санаб ўтган жамоалардан ташқари МХСК ва «Темирйўлчи», «Сўғдиёна», «Политотдел» ва «Пахтакор» командалари ҳам иштирок этса, ажаб эмас.

«ПАХТАКОР»ДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП

«Пахтакор» командаси учун ўтган мавсум энг омадсиз булди, десак янглишмаймиз. Миллий чемпионатимизнинг биринчи йили олтин, иккинчи йили эса кумуш медал эгаси, шунингдек, мамлакат кубогини қўлга киритган пахтакорчилар ўтган мавсумни саккизинчи ўрин билан якунладилар. Кубок баҳслашувларида эса «Янгиер» командасидан иккала учрашувда ҳам мағлуб булдилар.

Узбекистоннинг энг номдор командасининг бундай вазиятга тушиб қолиши кўпчилик мухлисларни ташвишга солиши шубҳасиз, албатта. Мавсум якунлангач, Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов пахтакорчилар ҳузурида булишди. Учрушув жиддий тусда ўтиб, унда барча муаммолар ўртага ташланди. Учрашув аъзоларининг фикри бир жойдан чиқди: «Пахтакор»нинг шон-шуҳратини тиклаш керак!

Пахтакорчилар бу йилги мавсумни янги мураббий билан бошладилар. Голландиянинг АЕС фирмаси президенти Карел Аалберснинг саъй-ҳаракатлари туфайли, унинг ватандоши Ханс Ферел икки йил муддатга «Пахтакор» командасининг бош тренери этиб тайинланди.

Аввало, нафақат республикамизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам биринчи хорижий мутахассис ҳақида икки оғиз сўз. Йоханес Хендрик Ферел 1953 йилда Роттердам шаҳрида туғилган. Мактабни тугатгач, электрон техникумга ўқишга кирди ва ўша муддатдан Роттердамнинг «Спарта» командасида ўйнай бошлади. Футбол машғулотларида етти ёшидан бошлаб шуғулланган Ханс илк контрактни 16 ёшида айнан шу клуб билан имзолади. Бу ерда турт йил туп сургандан сўнг СФВ командасига, сўнгра эса олий дивизионнинг «Ден Бош» клубига қабул қилинди. Сўнгра у ҳарбий хизматга чақирилиб, спорт ротаси командаси шарафини ҳимоя қилди. Армиядан сўнг олий спорт мактабини битириб «Ден Бош» командасида аввал ёрдамчи тренер, кейинчалик уч йил мобайнида бош тренер булиб ишлади. Ёш мутахассиснинг ҳозирги замон илғор методикасига таянган иш услуби эътибордан четда қолмади ва кўпчилик клубларнинг раҳбарлари у билан контракт тузишга интилдилар.

Ханс Ферел Розендал шаҳрининг РБС, Бреданинг НАК, Додрехт шаҳрининг шу номли командаси ҳамда Валвайкнинг РКС клубларида бош тренер булиб хизмат қилди. Утган йилнинг охирида Карел Аалберс таклифига кўра у Тошкентга ташриф буюрди ва шартшароит билан танишгач, «Пахтакор»га устозлик қилишга розилик берди.

Ўйланган, турмуш ўртоғи Анике Ферел ўй бекаси, 14 ёшли қизи Шантал Анжелина эса Бертан Опзом шаҳридаги мактабда таълим олмоқда.

Ханс Ферел январь ойининг илк кунлариданоқ пахтакорчилар билан машғулотларни бошлаб юборди. У биринчи навбатда ўйин интизомига катта аҳамият берди. Гарчи машғулотлар жисмоний жиҳатдан қийин кечса-да, аммо у янгича услубда ўтаётганлиги учун футболчилар кўтаринки кайфият билан шуғулланишди.

25 га яқин футболчилар тайёргарлиги синаб кўрилди. Ҳозирги кунда «Пахтакор»нинг энг тажрибали ўйинчиларидан Шуҳрат Мақсудов Исроилда, Илҳом Шарипов эса Москвада малакали тиббиёт ходимлари назоратидан ўтишмоқда.

Дарвозабон Павел Бугало Москванинг ЦСКА командасига қабул қилинди, ҳужумчи Рифат Галиев булса янги мавсумда Латвия мамлакатининг РОМАР командаси шарафини ҳимоя қилади.

Хуш, «Пахтакор-95» қандай кўринишда булади? Бир нарса аниқки, ўйин жиҳатидан ижобий ўзгаришлар юз беради, албатта. Ҳар ҳолда машғулотларда «тотал» футбол, яъни «барча ҳужумда ва барча ҳимояда» услубига ургу берилаётганлиги шу хулосага келишга ундайди. Футбол мухлислари «Пахтакор» яқин кунларда мамлакатнинг энг кучли командалари сафидан ўрин олишига ишонадилар.

***

Куни кеча пахтакорчилар Голландия сафаридан қайтиб келишди. Улар бу ерда ўқув машғулотларини давом эттириш билан бирга мамлакат биринчи дивизионининг уч командаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, уларда 9:1, 5:1, 4:1 ҳисобларида ғалаба қозонишди. Ҳужумчи Равшан Бозоров саккиз тўп муаллифи булди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Республикамиз Олимпия терма командаси куни кеча Ҳиндистонда ўтказилган Жавоҳарлал Неру анъанавий халқаро турниридан қайтиб келди. Футболчиларимиз бу йил катта имтиҳондан ўтишади, улар келаси йили Американинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги Олимпия ўйинлари финал учрашувларига йўлланма олиш учун дастлаб саралаш мусобақасининг Е гуруҳида (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон) қатнашадилар. Зеро, футболчиларимиз олдида масъулияти вазифа турибди. Чунки гуруҳ ғолибигина учрашувларни давом эттириши мумкин. 20 май куни Тожикистон-Қозоғистон ва Қирғизистон-Ўзбекистон командалари учрашувлари билан бу эътиборли мусобақаларга старт берилади, ғолиб эса 7 октябрда аниқланади.

Ҳа, миллий терма командамизнинг Хиросимадаги улкан ғалабаси унинг обрў-эътиборини ошириб юборди, энди уни кўплаб мамлакатлар ўзларига таклиф эта бошладилар. Ана шундай таклифлар асосида яқинда командамиз аъзолари Японияда булиб қайтишди. Маълумки, 1998 йилда Франция шаҳарларида жаҳон чемпионати ўйинлари ўтказилиб, унда Осиёнинг энг кучли уч командаси ҳам қатнашади. Узбекистон миллий терма командаси ана шу учликка кириш учун катта режа тадбирларини ишлаб чиқиб, унга қатъий амал қилган ҳолда булажак мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

ҲАКАМ — МУРАББИЙ

Футболда ўйиннинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан учрашувни бошқариб бораётган хакамларга боғлиқдир.

Кейинги вақтларда баъзи тренерлар фикрига кўра, ҳакамлар ўсиш ва тараққиёт бобида футболчилардан орқада қолишаётир. Лекин бу бир ёқлама фикрлашдир. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ўтган йили булиб ўтган қатор йирик турнирларда республикамизнинг бир гуруҳ етакчи ҳакамлари ҳам иштирок этиб, ўйинларни маҳорат билан бошқариб ФИФА ва ОФК комиссарларининг юқори баҳоларига сазовор булдилар. Бугунга келиб З. Абдуллаев, Б. Ҳайдаров, Т. Тошмуҳамедов, Р. Айтеков, Х. Мухторов, С. Нажафалиев каби ёшлар ФИФА ҳаками деган юксак унвонга сазовор булдилар. Биз яқин йилларда Узбекистон ҳакамлари ер куррасининг турли мамлакатларидаги энг йирик ўйинларни ҳам қойилмақом қилиб ўтказишларига ишонамиз.

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон футбол федерацияси кейинги йилларда шу соҳада хизмат қилаётган спорт журналистлари учун турли-туман танловлар ташкил этиб келаётир. Бу йил ҳам мавсум бошланиши арафасида ана шундай танлов эълон қилинди. Футбол федерацияси ҳамда футболни ривожлантириш жамғармаси ҳамкорликда тайёрлаган ушбу тадбир ғолиблари мавсум якунида аниқланади.

Футбол соҳасида қалам тебратувчилар учун Геннадий Красницкий, телевидение ва радио шарҳловчилари учун Роман Турпишчев, стадионлар дикторлари учун Мақсуд Шарипов, энг яхши дастурлар учун Эдуард Аванесов, суратқашлар орасида Ҳамид Раҳматуллаев совринлари бериладиган булди.

Чемпионат ва кубок ўйинлари натижаларига кура аниқланган энг яхши ўйинчилар, шунингдек, алоҳида ўрнак кўрсатган федерациялар, ҳаваскорлар, футбол клублари, стадионларни ҳам мукофотлар кутмоқда.

ЖАМОАЛАР ТАРКИБИГА ҚЎШИЛГАН ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

«НЕФТЧИ»

1. Алексей Семенов — «Политотдел» (Тошкент вилояти)
2. Олег Власов — «Нурафшон» (Бухоро)
3. Шуҳрат Шамсиев — «Янгиер» (Янгиер)
4. Владимир Родкевич — Фарғона БУСМ

«НАВБАҲОР»

1. Марат Кабаев — «Ансат» (Павлодар)
2. Шуҳрат Мамажонов — «Помир» (Душанбе)
3. Геннадий Денисов — «Спартак» (Владикавказ)

«СЎҒДИЁНА

1. Виктор Макаров — «Навбаҳор» (Наманган)
2. Маҳмуд Турахўжаев — «Трактор» (Тошкент)
3. Николай Сусский — «Динамо» (Самарқанд)
4. Вячеслав Тарасенко — «Гулистон» (Гулистон)
5. Рашид Мустафин — «Гулистон» (Гулистон)

МХСК

1. Зинур Зиганшин — «Сўғдиёна» (Жиззах)
2. Мухтор Қурбонов — «Темирйўлчи» (Қўқон)
3. Алишер Бозоров — АСК (Термиз)
4. Руслан Аҳмедов — «Сўғдиёна» (Жиззах)
5. Дилшод Султонов — «Ғазалкент» (Ғазалкент)

«ТЕМИРЙЎЛЧИ»

1. Жорилла Абдуллаев — «Металлург» (Бекобод)
2. Умид Субхонқулов — «Олтинкўл» (Андижон вилояти)
3. Камолиддин Жумашев — РОУБЮ (Тошкент)
4. Ваҳоб Охунов — «Боғдодчи» (Боғдод)
5. Дмитрий Куриний — «Мебелчи» (Янгийўл)
6. Умид Исоқов — РОУБЮ (Тошкент)

«ПАХТАКОР»

1. Равшан Бозоров — «Нефтчи» (Фарғона)
2. Александр Тихонов — «Нефтчи» (Фарғона)
3. Анатолий Матвеев — «Трактор» (Тошкент)
4. Ҳикмат Эргашев — «Атласчи» (Марғилон)
5. Қувват Тураев — «Орол» (Нукус)
6. Омонбой Абдуллаев — «Орол» (Нукус)
7. Алексей Рошчин — «Олтинкўл» (Андижон вилояти)

«НАВРЎЗ»

1. Қаҳрамон Абдуқодиров — «Навбаҳор» (Наманган)
2. Даврон Бобоев — «Сўғдиёна» (Жиззах)
3. Шуҳрат Назиров — «Атласчи» (Марғилон)
4. Элдор Сакаев — «Атласчи» (Марғилон)

«НУРАФШОН»

1. Олег Латишкин — «Пеликан» (Чехия)
2. Ғофур Арабов — «Ситора» (Бухоро)
3. Анатолий Бикеев — «Локомотив» (Косон)
4. Юрий Худояров — «Зарафшон» (Навоий)
5. Азамат Отаев — «Ситора» (Бухоро)

«ПОЛИТОТДЕЛ»

1. Андрей Микляев — «Нефтчи» (Фарғона)

АЁЛЛАР ҲАМ... ТЎП ТЕПАДИ

Яқин-яқингача «хотин-қизлар ўртасида футбол ўйини ўтказилармиш» деган гапларга ишонқирамай қарардик. Қарангки, оғир атлетика ва дзюдо, хоккей ва самбо каби спорт турларида аёлларнинг иштирок этишига кўникиб улгурмасимизданоқ футболчи қизлар пайдо булишди.

Узбекистонда эндигина тараққий этаётган аёллар футболи ҳозирнинг ўзидаёқ Халқаро турнирлар иштирокчисига айланди. Утган йили мамлакат терма командаси Ҳиндистонга ташриф буюриб, Халқаро мусобақада қатнашди. Бу йил эса Бишкек шаҳрида булиб утган ана шундай мусобақаларда 8 команда орасида учинчи ўринни эгаллашди. Қозоғистон терма командаси билан Тошкент ва Чимкентда икки ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Куни кеча эса Чирчиқ шаҳрида «Навруз» байрамига бағишланган яна бир халқаро турнир ўтказилди, унда Алматининг «Динамо», Бишкекнинг «Азалия», Тошкентнинг «Чехра», Қарағанданинг «Гея» ҳамда «Чирчиқ» командалари иштирок этди. Республикамиз терма командаси бош тренери Равшан Усмонхўжаевнинг фикрича, ушбу турнир ўйинларида Инна Величко ва Ольга Коваленко («Гея»), Ника Детерина ва Ирина Мосина («Динамо»), Светлана Михейчева ва Галина Поправка («Чайка») ва бошқа футболчилар чиройли комбинациялари, аниқ тўп оширишлари, турли вазиятлардан дарвозани аниқ мўлжалга олабилишлари билан мухлислар меҳрини қозондилар.

(Саҳифани Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ «Туркистон» учун махсус тайёрлаган).

ОЛИЙ ЛИГА

1. «Нефтчи» (Фарғона)
2. «Нурафшон» (Бухоро)
3. «Навбаҳор» (Наманган)
4. МХСК (Тошкент)
5. «Темирйўлчи» (Қўқон)
6. «Сўғдиёна» (Жиззах)
7. «Политотдел» (Тош. вилояти)
8. «Пахтакор» (Тошкент)
9. «Трактор» (Тошкент)
10. АСК (Термиз)
11. «Навруз» (Андижон)
12. «Янгиер» (Янгиер)
13. «Атласчи» (Марғилон)
14. «Чирчиқ» (Чирчиқ)
15. «Машъал» (Муборак)
16. «Динамо» (Самарқанд)

1 ЛИГА (I гуруҳ)

1. «Кушон» (Косонсой)
2. «Олтинкул» (Андижон вилояти)
3. «Гулистон» (Гулистон)
4. «Боғдодчи» (Боғдод)
5. «Бахт» (Турақурғон)
6. «Мебелчи» (Янгийул)
7. «Кимёгар» (Чирчиқ)
8. «Норин» (Ҳаққулобод)
9. «Ғазалкент» (Ғазалкент)
10. «Навруз» (Наманган)
11. «Маданият» (Тош. вилояти)
12. «Чилонзор» (Тошкент)
13. «Шаҳрихон» (Шаҳрихон)

I ЛИГА (II гуруҳ)

1. «Орол» (Нукус)
2. «Зарафшон» (Навоий)
3. «Локомотив» (Коқон)
4. «Прогресс» (Зарафшон)
5. «Ситора» (Бухоро)
6. «Металлург» (Бекобод)
7. «Насаф» (Қарши)
8. «Динамо» (Урганч)
9. «Йигирувчи» (Жиззах)
10. «Истиқлол» (Тошкент)
11. «Диёр» (Самарқанд вилояти)
12. «Тегирмончи» (Шўрчи)
13. «Ҳисор» (Шаҳрисабз)

ОЛИЙ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎЙИНЛАРИ ТАРТИБИ

БИРИНЧИ ДАВРА

МАРТ I-ТУР

28. «Нефтчи»—«Динамо»
«Нурафшон»—«Машъал»
«Навбаҳор»—«Чирчиқ»
«Пахтакор»—«Трактор»
«Темирйўлчи»—«Янгиер»
«Сўғдиёна»—«Навруз»
«Политотдел»— АСК
МХСК — «Атласчи»

АПРЕЛЬ II-ТУР

1. «Динамо»—«Трактор»
АСК — «Пахтакор»
«Навруз»—«Политотдел»
«Янгиер»—«Сўғдиёна»
«Атласчи»—«Темирйўлчи»
«Чирчиқ»— МХСК
«Машъал»—«Навбаҳор»
2. «Нефтчи»—«Нурафшон»

III-ТУР

8. «Нурафшон»—«Динамо»
«Навбаҳор»—«Нефтчи»
«Темирйўлчи»—«Чирчиқ»
«Сўғдиёна»—«Атласчи»
«Политотдел»—«Янгиер»
«Пахтакор»—«Навруз»
«Трактор»— АСК
9. МХСК — «Машъал»

IV-ТУР

15. «Динамо» — АСК
«Навруз»—«Трактор»
«Янгиер»—«Пахтакор»
«Атласчи»—«Политотдел»
«Чирчиқ»—«Сўғдиёна»
«Машъал»—«Темирйўлчи»
«Нурафшон»—«Навбаҳор»
16. «Нефтчи»— МХСК

V-ТУР

23. «Навбаҳор»—«Динамо»
МХСК — «Нурафшон»
«Темирйўлчи»—«Нефтчи»
«Сўғдиёна»—«Машъал»
«Политотдел»—«Чирчиқ»
«Пахтакор»—«Атласчи»
«Трактор»—«Янгиер»
АСК — «Навруз»

VI-ТУР

29. «Динамо»—«Навруз»
«Янгиер»— АСК
«Чирчиқ»—«Пахтакор»
«Машъал»—«Политотдел»
«Нефтчи»—«Сўғдиёна»
«Нурафшон»—«Темирйўлчи»
«Навбаҳор»— МХСК
30. «Атласчи»—«Трактор»

МАЙ VII-ТУР

6. МХСК — «Динамо»
«Темирйўлчи»—«Навбаҳор»
«Сўғдиёна»—«Нурафшон»
«Политотдел»—«Нефтчи»
«Тракор»—«Чирчиқ»
АСК — «Атласчи»
«Навруз»—«Янгиер»
7. «Пахтакор»—«Машъал»

VIII-ТУР

13. «Динамо»—«Янгиер»
«Атласчи»—«Навруз»
«Чирчиқ»— АСК
«Машъал»—«Тракор»
«Нурафшон»—«Политотдел»
«Навбаҳор»—«Сўғдиёна»
МХСК — «Темирйўлчи»
14. «Нефтчи»—«Пахтакор»

IX-ТУР

27. «Темирйўлчи»—«Динамо»
«Сўғдиёна»— МХСК
«Политотдел»—«Навбаҳор»
«Пахтакор»—«Нурафшон»
АСК — «Машъал»
«Навруз»—«Чирчиқ»
«Янгиер»—«Атласчи»
28. «Трактор»—«Нефтчи»

X-ТУР

31. «Динамо»—«Атласчи»
«Чирчиқ»—«Янгиер»
«Машъал»—«Навруз»
«Нефтчи»— АСК
«Нурафшон»—«Трактор»
«Навбаҳор»—«Пахтакор»
МХСК — «Политотдел»
«Темирйўлчи»—«Сўғдиёна»

XI-ТУР ИЮНЬ

3. «Сўғдиёна»—«Динамо»
«Политотдел»—«Темирйўлчи»
«Трактор»—«Навбаҳор»
АСК — «Нурафшон»
«Навруз»—«Нефтчи»
«Янгиер»—«Машъал»
«Атласчи»—«Чирчиқ»
4. «Пахтакор»— МХСК

XII-ТУР

11. «Динамо»—«Чирчиқ»
«Машъал»—«Атласчи»
«Нефтчи»—«Янгиер»
«Нурафшон»—«Навруз»
«Навбаҳор»— АСК
МХСК — «Трактор»
«Темирйўлчи»—«Пахтакор»
«Сўғдиёна»—«Политотдел»

XIII-ТУР

17. «Политотдел»—«Динамо»
«Пахтакор»—«Сўғдиёна»
АСК — МХСК
«Навруз»—«Навбаҳор»
«Янгиер»—«Нурафшон»
«Атласчи»—«Нефтчи»
«Чирчиқ»—«Машъал»
18. «Трактор»—«Темирйўлчи»

XIV-ТУР

25. «Динамо»—«Машъал»
«Нефтчи»—«Чирчиқ»
«Нурафшон»—«Атласчи»
«Навбаҳор»—«Янгиер»
МХСК — «Навруз»
«Темирйўлчи»— АСК
«Сўғдиёна»—«Трактор»
«Политотдел»—«Пахтакор»

ИЮЛЬ XV-ТУР

1. «Трактор»—«Политотдел»
АСК — «Сўғдиёна»
«Навруз»—«Темирйўлчи»
«Янгиер»— МХСК
«Атласчи»—«Навбаҳор»
«Чирчиқ»—«Нурафшон»
«Машъал»—«Нефтчи»
2. «Пахтакор»—«Динамо»

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон — Знаю всё, хочешь всё знать знаком первым! — TURKISTAN

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
ҳатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй. Нашр курсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0106
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компъютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6